



ЎзХДП маҳаллий кенгашларида



ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ

катта масъулият, чуқур билим ва самимиятни талаб этади

ЎзХДП ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ХОНҚА ТУМАН КЕНГАШИ ЁШЛАРНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ПАРТИЯ ҲАМДА МАҲАЛЛА ҲАМКОРЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАБ ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗДИ. УНДА ВИЛОЯТ ВА ТУМАН ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИ МАСЪУЛЛАРИ, МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТЛАРИ, СИЁСАТШУНОС ВА ҲУҚУҚШУНОСЛАР, МАҲАЛЛАЛАР ФАОЛЛАРИ ҲАМДА БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТЛАР ЕТАКЧИЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

⇒ 2

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС ОДАМ

ҳаётдаги ўзгариш ва янгиликлардан куч олади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Ҳафиза Каримова

Назорат-таҳлил фаолиятининг яна бир муҳим жиҳати шунда бўлмоқдаки, биз шу жараёнда қонунларга ҳаётнинг ўзи тақозо қилаётган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни ўрганмоқдамиз. Олинган хулосалар асосида қонунлар лойиҳаларини кўриб чиқиш вақтида уларнинг ижро механизмини яратишга алоҳида эътибор қаратаёلمиз.

⇒ 2

ЎзХДП ҳаётидан

ЁШ ОИЛАЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

масалаларига бағишланди

ЎзХДП ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ГАЛЛАОРОЛ ТУМАН КЕНГАШИ «МУСТАҲҚАМ ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ» МАВЗУСИДА СЕМИНАР ЎТКАЗДИ. УНДА ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ХОДИМЛАРИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛАРИ, МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИ ФАОЛЛАРИ, ЁШ ОИЛАЛАР ҲАМДА ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Семинарда ёш оилалар ва хотин-қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ўз мустақил ишини бошламоқчи бўлган аёлларга йўл-йўриқ кўрсатиш, оилавий тадбиркорлик ва касаланиқ билан шугулланишнинг афзалликлари ҳақида атрофлича тушунча бериш, уларни ўйлантираётган масалаларни тегишли ташкилотлар билан ҳал этиш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди. Таъкидландики, партиямизнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида бу борада қатор вазифалар белгиланган. Уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида туман

партия кенгаши муайян ишларни амалга оширмоқда. Аммо ёш оилалар ҳамда хотин-қизлар ўртасида учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиш ишларида изчиллик етишмаптир. Семинарда бунинг сабаблари ва уларни бартараф этиш чоралари атрофлича муҳокама қилинди. Шу асосда туманда ёш оилаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, хотин-қизлар бандлиги таъминланишига қўмақлаштириш ишларини қучайтириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Меҳри БОБОНОВА,
ЎзХДП Галлаорол туман кенгаши раиси.

ЎЗБЕКISTON МАТБУОТИ НАМОЙИШИ

«Ўзэкспомарказ»да «Ўзбекистон матбуоти» II кўргазмаси очилди

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ахборот технологиялари ассоциацияси томонидан ташкил этилди. Кўргазмада марказий ва худудий нашрларнинг раҳбарлари, матбаа корхоналари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари, жамоат ташкилотлари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.



Шавкат АКРАМОВ оғлини сўради.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Фулмонов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси раиси А.Жўрабоев, Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси С.Ортиқова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг жаҳон андозалари талаблари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш масаласи давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида эканини алоҳида таъкидлади. Матбуот соҳасида иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларнинг яратилгани оммавий ахборот воситаларининг юртимиз тараққиётида тобора мустаҳкам ўринга эга бўлиб бориши, барча соҳалардаги ислохотларнинг аҳамиятини, мазмун-моҳиятини, янги жамият куриш йўлида эришган ютуқларимизни ҳолис ва ҳаққоний тарзда халқимизга етказиш имконини бермоқда. Оммавий ахборот воситаларини модернизация қилишни ривожлантириш самарасида Ўзбекистонда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодас-турларни тараққий йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг икки юзга яқин мамлакатига қарийб ўттиз йўналиш бўйи-

ча тўғридан-тўғри узатиладиган халқаро каналларга эга. Юртимизда газета, журнал, ахборотнома-буллетен, радио, телевидение, ахборот агентликлари, веб-сайтлар каби оммавий ахборот воситалари рўйхатга олинган. Соҳа ривож йўлида кўрсатилаётган гамхўрлик натижасида кейинги ўн йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони икки баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса етти баробар ошди. Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарори медиа тузилмалар, нашриёт ва полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатуви ташкилотлари янада ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратишнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида оммавий ахборот воситаларини давр руҳига ҳамоханг тарзда ислоҳ этиш, журналистларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун барча зарур ҳуқуқий-ташқиллий, моддий ва маънавий имкониятларни яратишга оид масалалар юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилган.

(Давоми 3-бетда)

«O'zbekiston ovozi» saytida o'qing

SIYOSIY-HUQUQIY MADANIYATNI YUKSALTIRISH

o'quvlar saviyasi va ta'sir kuchiga bog'liq

www.uzbekistonovozi.uz

Эркин КОМИЛОВ,

Ўзбекистон халқ артисти:

— БОТИР УКА, ГАЗЕТА ЎҚИСАНГ ЗЎРИДАН ЎҚИ. «ЎЗБЕКISTON OVOZI»НИ ОЛСАНГ, ТЕАТРДА ҲАМКАСБЛАР ЎҚИЙДИ, УЙГА ОЛИБ БОРСАНГ, ФАРЗАНДЛАРИНГ, НЕВАРАЛАРИНГ ЎҚИЙДИ...

НАШР КЎРСАТКИЧИ — 220



Спорт

КЕТМА-КЕТ ТЎРТИНЧИ ҒАЛАБА

Футбол бўйича ампутантлар ўртасида Калининград шаҳрида давом этаётган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси иккинчи турда Япония футболчиларини 7:0 ҳисобида доғда қолдирди, кейинги ўйинда Либерия терма жамоаси мағлуб этилди — 8:2! Россия ногиронлар футбол федерацияси бosh котиби, Бутунжаҳон ампутантлар футбол федерацияси вице-президенти Иван Киянский журналистларга интервью берар экан, ҳамюртларимиз ҳақида куйидаги фикрларин билдириб ўтди: — Ўзбекистон ампутантлар терма жамоаси охириги икки жаҳон чемпиона-

тида биринчи ўринни эгаллади. Жамоа жуда кучли ва тиришқоқ футболчилардан ташкил топган. Эътирофга молик томони, Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари мамлакат Президенти томонидан қўллаб-қувватланади. Улар ўзларини миллий қаҳрамон сифатида ҳис қилишади. Хар бир учрашувда жон-жаҳдлари билан ўйнашади. Кеча гуруҳ босқичининг тўртинчи турида футболчиларимиз Англия терма жамоаси устидан ишончли ғалабани кўлга киритди — 4:2. Бу ўйин Ўзбекистон терма жамоасига муддатидан илгари ярим финал йўланмасини тўхта қилди.

Хуқуқий тарғибот

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

дейди суҳбатдошимиз Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи Илҳом ТУРГУНОВ

— Илҳом Турғунович, аввало бошқарма ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг асосий иш фаолияти тўғрисида маълумот берсангиз.

— Бошқарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган. Бошқарма ва унинг жойлардаги бўлинмалари ўз фаолиятини ички ишлар органларида фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ички ишлар органларини юридик таъминлаш ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш каби соҳаларда амалга оширади.

лиш, ички ишлар органлари фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ишларида иштирок этиш, ички ишлар органлари томонидан соҳада амалга оширилаётган ишлар ва инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларда оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ташкил этиш ишлари ҳам бошқарманинг асосий вазифасига кирди.

— Республикада инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи турли давлат ва нодавлат ташкилотлар, институтлар фаолият кўрсатмоқда. Улар билан ҳамкорлик қай даражада йўлга қўйилган?

— Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича республика Миллий маркази, Бош прокуратура ҳамда Адлия вазирлиги ўртасида «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида»ги битимлар ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан эса «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида» меморандум тузилган.

Хозирда мазкур битимлар доирасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш юзасидан биргаликда мониторинглар ўтказиш, фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги шикоятлари бўйича биргаликда текширувлар олиб бориш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда

уларга риоя этиш соҳасидаги вазиятни таҳлил этиш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ахборот-ташвиқот ишларини амалга ошириш, инсон ҳуқуқлари бўйича амалдаги қонунчилик ижроси юзасида амалиёт самарадорлигини кенгайтириш юзасидан ҳамкорлик қилинмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, адвокатура ҳамда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи нодавлат ташкилотлар билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Маълумки, бугунги кунда жамоатчилик назорати институти давлат органларининг самарали ишлашини таъминлаш, одамларнинг ижтимоий-сиёсий қайфияти ва мамлакатда кеңайтирилган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланган. Шу боис Ички ишлар вазирлиги «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази билан мунтазам равишда ахборот алмашиш келмоқда.

2012 йил ўтган даврида вазирликка Марказ томонидан жамоатчиликнинг давлат органларининг фаолияти ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақидаги қатор социологик сўровлар натижалари юборилган. Хозирда мазкур мониторинглар натижалари таҳлил қилиниб, ички ишлар органлари фаолиятида, жумладан,

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги амалиётда самарали фойдаланилмоқда.

— Ички ишлар органларида ўрнатилган «ишонч телефонлари» фаолияти ва келиб тушаётган мурожаатлар ҳамда қўрилаётган чора-тадбирлар кўпчилигини қизиқтиради.

— Хабарингиз бор, «ишонч телефонлари»нинг рўйхати оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб берилмоқда ва телефонлар рўйхати алоҳида плакатга туширилиб, аҳоли гавжум бўлган жойларга осиб қўйилган.

Хозирда республика ички ишлар органларида мавжуд 500 га яқин ишонч телефонга жорий йилда фуқаролардан турли мазмундаги жами 6000 га яқин хабар келиб тушган. Ушбу хабарларга кўра, ички ишлар органлари ходимлари томонидан текширувлар ўтказилди. Аниқланган ҳолатлар юзасидан 300 тадан ортиқ жиноят иши ва 1000 га яқин маъмурий ҳуқуқбузарлик таъминотидаги ишлар қўзғатилди.

— Фуқаролик мурожаатлар қабул қилинадиган хоналарнинг айримларида шароит йўқлиги, масъул ходимлар қабул кунлари ёзилган жадаллар осиб қўйилмаганлиги ёки қабулда ўтирадиганлар муомала маданияти ҳақида нолиб гапиришди...

— Гапингизни тушундим. Ички ишлар органларида фуқароларнинг мурожаатларини қўнилий тартибда қўриб чиқишини таъминлаш мақсадида маъмурий биноларнинг ташқарисида алоҳида

«Фуқароларни қабул қилиш хоналари» ташкил этилган. Уларда раҳбарлар томонидан фуқароларни қабул қилиш тартиби, кун ва соати кўрсатилган жадал қўйилган.

Хозирда фуқаролар барча ички ишлар органларида биринчи раҳбарлар томонидан ўрнатилган тартибда қабул қилинмоқда. Агар бирор жойда тартиб бузилаётган бўлса, фуқаролар бизга ишонч телефони орқали мурожаат этиши мумкин.

— Бошқарманинг юридик хизмат фаолияти тўғрисида ҳам тўхтайсизми?

— Юридик хизматлар Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги қарори билан тасдиқланган «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати тўғрисида»ги Низомига асосан ички ишлар органларида юридик хизмат ва амалий ҳамда услубий ёрдам кўрсатади.

Утган давр мобайнида юридик хизматлар томонидан 11000 дан ортиқ буйруқ лойиҳаси қўриб чиқилиб, экспертиза жараёнида 250 таси «амалдаги қонунчиликка мос эмас», деб топилди.

Шунингдек, 13000 дан ортиқ ҳўжалик шартномалари лойиҳаси юридик экспертизадан ўтказилди. Уларнинг 300 га яқини экспертиза жараёнида амалдаги қонунчиликка тўғри келмаслиги аниқланди.

Суҳбатдош: «Ўзбекистон овози» муҳбири Равшан ШОДИЕВ.

ЎЗБЕКISTON МАТБУОТИ НАМОЙИШИ

«Ўзэкспомарказ»да «Ўзбекистон матбуоти» II кўргазмаси очилди

«Ўзбекистон матбуоти» II кўргазмаси Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 14 январда қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга оид фармойишига мувофиқ ахборот соҳасини эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар мазмун-моҳияти билан кенгроқ таништириш ҳамда медиа-маконда миллий оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантириш мақсадида ташкил этилди.

— Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида оммавий ахборот воситаларини замон талаблари асосида ривожлантириш, соҳа вакилларининг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратилган алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди «Қашқадарё» газетасининг бўлим муҳаррири Ботир Темиров. — Ижодий фаолиятимизда халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, юртимиз ва хориждаги воқеа-ҳодисалардан тезкор хабардор этишга алоҳида эътибор қаратиляпмиз.

Кўргазма доирасида ўтган форумда матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш, ахборот соҳасини янада ислоҳ қилиш, оммавий ахборот воситаларининг қучли фуқароий ахборот воситаларини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти, ОАВ фаолиятининг ҳуқуқий, иқтисодий асосларини мустақиллаштириш, мамлакатимизда мустақил электрон оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш каби мавзуларда маърузалар тингланди. Миллий оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада тараққий эттиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Мазкур тадбирлар доирасида «Йилнинг энг яхши китоби» кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ноҳира МАНЗУРОВА, ЎЗА муҳбири.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Реклама

Table with 2 columns: No and Object name/Location. Contains 50 items related to reconstruction and capital investment projects across various districts and cities in Uzbekistan.

Изоҳ: Мазкур объекتلарнинг рўйхатида ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Талабдорларга нисбатан қўйилган талаблар, объекتلарнинг бошланғич нархлари ва қурилиш муддатлари бўйича талаб ва шартлар қўшимча тарзда оммавий ахборот воситаларида расман эълон қилинади.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2013 йилда қурилиши, реконструкция, капитал таъмирлашни режалаштирилаётган қуйидаги объекتلарга танлов савдолари ўтказилиши бўйича дастлабки рўйхатни эълон қилади:

Table with 2 columns: No and Object name/Location. Contains 28 items for reconstruction and capital investment projects in Samarkand region.

Table with 2 columns: No and Object name/Location. Contains 28 items for reconstruction and capital investment projects in Samarkand region.

